

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ДС.03/30.12.2019.ФИЛ.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗР ФА АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ
МУЗЕЙИ**

ЖОВЛИЕВ ЖАВЛОНБЕК ОРТИҚОВИЧ

**МАҚСУД ШАЙХЗОДА АСАРЛАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИНГ
МАТНИЙ-ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Жовлиев Жавлонбек Ортиқович

Мақсуд Шайхзода асарлари қўлёзмаларининг матний-қиёсий тадқиқи3

Жовлиев Жавлонбек Ортиқович

Сравнительно-текстовое изучение рукописей произведений Мақсуда
Шейхзаде.....28

Jovliyev Javlonbek Ortiqovich

Text-comparative study of manuscripts of Maqsud Shaykhzoda's works.....52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ДСC.03/30.12.2019.ФИЛ.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗР ФА АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ
МУЗЕЙИ**

ЖОВЛИЕВ ЖАВЛОНБЕК ОРТИҚОВИЧ

**МАҚСУД ШАЙХЗОДА АСАРЛАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИНГ
МАТНИЙ -ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) была зарегистрирована за номером B2021.3.PhD/Fil2020 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Государственном музее литературы имени Алишера Навои Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трёх (узбекский, русский и английский) языках размещён на веб-странице Научного совета (<http://www.tsuull.uz>) и информационно-образовательном портале Ziyonet (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Каримов Наим Фатихович
доктор филологических наук, академик


Официальные оппоненты: Шадманов Нафас Намазович
доктор филологических наук, профессор
Кабилова Зебо Бакировна
доктор филологических наук, доцент


Ведущая организация: Самаркандский государственный университет


Защита диссертации состоится «5» 11 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 по присуждению учёных степеней при Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (Адрес: 100100, Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуфа Хос Ходжиба, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (<http://www.tsuull.uz>).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (зарегистрирована за номером 224). (Адрес: 100100, Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуфа Хос Ходжиба, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (<http://www.tsuull.uz>).

Автореферат диссертации разослан «22» 10 2022 года.
(Протокол реестра рассылки 1 от «22» 10 2022 года).


И.И. Адизова
Председатель научного совета по
Присуждению учёных степеней, доктор
филологических наук, профессор


К.У. Пардаев
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, доктор
филологических наук, доцент


Н.М. Жабборов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор филологических наук, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон қўлёзма фондларида сақланаётган, асрлар синовида сараланган, ўзида кўплаб сирларни жамлаган адабий манбалар инсоният яратган улкан маънавий хазинадир. Уларни ўрганиш, манбалардаги энг юксак ўринларни бугунги авлодга етказиш борасида кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Натижада ҳар бир халқ ўз тили, асрлар давомида шаклланган бой маданияти, адабиёти, санъати ва ўзига хос урф-одатлари билан озиқланаётир. Бугунги кунда адиб ижодий лабораториясини ўрганиш, қўлёзмаларни матний тадқиқ этиш, таҳрир санъати билан танишиш мутахассисларнинг тадқиқ усулларида ва қўлёзмаларини матний-қиёсий текширишда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунё матншунослигида ижодкорлар адабий мероси матн тарихи ва таҳрири масаласини ўрганиш, уларда жамланган маънавий меросимизни ёш авлод дунёқараши ва адабий-эстетик тафаккури ривожига хизмат қилдириш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Шарқ халқлари қадим замонлардан буён жаҳон маданиятининг улкан хазинасига ўзининг бетакрор асарлари билан ҳисса қўшиб келаётир. Ижодкор қўлёзмаларини тадқиқ қилиш борасидаги илмий изланишларни матншуносликнинг бугунги ютуқлари асосида муттасил давом эттириш ва ривожлантириш заруратга айланди.

Ўзбекистонда матншунослик ва адабий манбашунослик ўз тарихига эга ва кўплаб ютуқларга эришган соҳадир. “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”¹. Ўзбек матншунослигида олиб борилган ишлар ва бу борада эришилган ютуқлар ХХ асрда ижод қилиб, ўзбек адабиёти ривожига сезиларли таъсир ўтказган адиблар ижод лабораториясини, адабий қўлёзмаларини, архив ҳужжатларини чуқур ўрганиш масаласини кун тартибига қўймоқда. Мамлакатимизда ХХ аср ижодкорлари асарлари ўзбек матншунослиги ютуқларидан фойдаланган ҳолда етарлича тадқиқ этилган эмас. Худди шундай ижодкорлардан бири атоқли шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода адабий меросидир. Шайхзода – серқирра ижодкор, унинг асарлари тил, жанр ва кўлам жиҳатидан турфа хиллик касб этади. Айни шу хусусият Шайхзода асарларининг турлича талқин қилинишига сабаб бўлган. Бугунги кунда ҳам театрларимиз Шайхзода драматик асарларига тез-тез мурожаат қилаётганини инобатга олсак, асарнинг асл ғоясини очиш ва таҳлил қилишда унинг матний-қиёсий аспектда ўрганилишига жиддий зарурат сезилмоқда. Бу фикрлар мазкур диссертация мавзусининг долзарб экани тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги «Тараққиёт йўлимизнинг шиддати янада ошаверади» мавзусидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь.

«Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шу кунгача ўзбек матншунослигида салмоқли ишлар яратилди. Жумладан, С.Мирзаев, С.Муталлибов, С.Долимов, Р.Мажидий, П.Шамсиев, О.Шарафиддинов, И.Султонов, Э.Рустамов, А.Қаюмов, Ҳ.Сулаймон, Ғ.Каримов, М.Ҳақимов, Қ.Каримов, Қ.Маҳмудов, Б.Тўхлиев, В.Раҳмонов, Қ.Содиқов, Ш.Сирожиддинов, Н.Жабборов, Б.Каримов, Э.Фозилов, Н.Жумахўжа, А.Эркинов, Н.Шодмонов, Р.Зоҳидов, О.Жўрабоев, Қ.Пардаев, Д.Юсупова, Ж.Жўраев² каби бир қатор

² Шамсиев П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: Фил.ф.д... дис. – Т. 1970; Сулаймон Ҳ. «Хазойин ул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари. /Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. – Т.: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1959, – Б. 5-28; Каримов Ғ. Ўзбек классик адабиётининг баъзи назарий масалалари. / Гулом Каримов – маърифат фидойиси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – Б. 56-63; Ҳақимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. – Т.: Давр Пресс НМУ, 2013. – 495 б.; Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. / Нашрга тайёрловчи: Каримов Қ. – Т.: Фан, 1971; Маҳмудов Қ.Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асари ҳақида. – Т.: Фан, 1972. – 300 б.; Жумахўжа Н. То тузди Навоий ояти ишқ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. – Т. 1990. 9 ноябрь., Дебоча матни мукамалми? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. – Т. 2011. 18 март., Янги илмий-танқидий матн // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. – Т. 2011. 28 октябрь; Содиқов Қ. Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Т. 2017. – В. 220. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори. – Т.: Баёз, 2014; Раҳмонов В. Эмас осондур бу майдон ичра турмоқ... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. – Т. 2011. 4 февраль; Мумтоз сўз сеҳри. – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 440 б.; Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги кирралари. – Т.: Akademnashr, 2015. – Б. 7-9; Матншунослик сабоқлари. – Т.: Navoiy universiteti, 2019. – Б.18; Жабборов Н. Бадиий матн таҳрирининг хос хусусиятлари /«Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари» мавзусидаги илмий-назарий анжуман материаллари. – Т.: Мумтоз сўз, 2014. – Б. 28-32; Ўзбек матншунослигининг долзарб муаммолари /«Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг янгиланиш тамойиллари» мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Т.: Adabiyot uchqunlari, 2016. – Б. 99-105; Матншуносликнинг айрим назарий масалалари / “Ўзбек матншунослигининг назарий ва амалий муаммолари” мавзусидаги Республика илмий анжумани материаллари. – Қарши, Насаф, 2019. – Б. 3.7; Фозилов Э. Матнчи масъулияти // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. – Т. 2011. 17 июнь; Эркинов А. Матншуносликка кириш. – Т. 1997; Алишер Навоий «Хамса»си талқини (XV – XX аср боши). – Т.: Tamaddun, 2018; Шодмонов Н. «Шоҳиду-л-иқбол» – адабий манба. – Т.: Muharrir, 2009. – Б. 22-26; Зоҳидов Р. «Саботул ожизин» (Манбалар, шарҳлар, илмий-танқидий матн). – Т.: Turon zamin ziyo, 2015. – Б. 184-185; Жўрабоев О. Матннинг матности сирлари. – Т.: «Tamaddun», 2017. – 200 б.; Пардаев Қ. Муқимий шеърятининг матн тарихи, таҳрири ва талқини. Филол фанлари д-ри (DSc) ...дисс. – Тошкент, 2020.

олимларнинг тадқиқотлари бунинг далилидир. XX асрнинг забардаст ижодкори Мақсуд Шайхзода асарлари кўлёмаларини матншуносликнинг сўнгги ютуқларига таянган ҳолда тадқиқ этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир.

Шайхзоданинг ранг-баранг ижоди доим изланувчи-тадқиқотчилар эътиборида бўлган. Шу пайтгача шайхзодашунослик борасида олиб борилган ишларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин: а) Шайхзода ҳаётлигида олиб борилган тадқиқотлар; б) Совет даврида амалга оширилган ишлар; в) Мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар; г) Хорижда олиб борилган тадқиқотлар. Шайхзода асарларини ўрганиш ва тадқиқ этиш шоир ижод қилган даврдан бошланган. Ғ.Ғулум, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Миртемир, М.Иброҳимов, А.Қаҳҳор, К.Яшин, С.Абдулла, Шухрат, М.Исмоилий, Т.Тўла, И.Султон, Н.Маллаев, Т.Жалолов, А.Қаюмов, Ҳ.Ёқубов, С.Мамажонов, Ҳ.Олимжонова, О.Шарафиддинов, М.Зокиров, Ю.Шомансуров, Н.Каримов, И.Ғафуров, Б.Қосимов, С.Мирвалиев, С.Мирзаев, С.Шермуҳаммедов, Т.Исломов³ каби ижодкор ва мунаққидлар Шайхзода ижодига ўз давридаёқ муносабат билдиришган. Хусусан, Шайхзода меросини ўрганишда М.Зокировнинг хизматлари алоҳида аҳамиятга эга. Унинг “Мақсуд Шайхзода” адабий-танқидий очерки⁴, Отаёр билан биргаликда чоп эттирган “Мақсуд Шайхзода” замондошлар хотирасида⁵ тўплами Шайхзода ижодини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Иброҳим Ғафуров 1973 йилда “Лирика ва давр” (Мақсуд Шайхзода лирикасининг ғоявий-бадий хусусиятлари) мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Диссертацияда Шайхзода шеърятининг ўзига хос поэтик хусусиятлари, шоир ижодидаги ғоявий-бадий омиллар, замон ва реал

– 310 б.; Эшонова С. XX аср бошларидаги Кўкон шоирлари (Нисо ва Хоний). Филол. фанлари номзоди. ...дисс. – Т. 2006. – 185 б.

³Ойбек, Ғафур Ғулум. “Жалолитдин” драмаси ҳақида.// Қизил Ўзбекистон, 2003 йил, 18 февраль; Ғ.Ғулум. Адабий-танқидий мақолалар. I том. Т.: Фан, 1974. Шайхзода. Асарлар, VI томлик. Таҳрир ҳайъати: К.Яшин, Миртемир, Туроб Тўла, Озод Шарафиддинов, Н.Маллаев. Сўз боши муаллифи А. Қаюмов. – Т.: Ғафур Ғулум номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1969; Зокиров М. Шайхзода мероси. //Тошкент оқшоми, 1971 йил, 22 февраль; Муҳсин Зокиров. Мақсуд Шайхзода. Т.: Ғафур Ғулум номидаги Бадий адабиёт нашриёти, 1969. – Б. 192. И.Ғафуров. “Лирика ва давр” (Мақсуд Шайхзода лирикасининг ғоявий-бадий хусусиятлари). Филология фанлари кандидати и.д.о. – Т.: 1972. – Б. 150; Комил Яшин. Катта ижодий кўрик.//Тошкент Ҳақиқати, 1959 йил, 14 февраль; К.Яшин. «Дыхание современности».// Правда, 1959 йил, 13 февраль; К.Яшин. Верность заветам.//Ташкентская правда, 1963 йил, 21 апрель.Султон И. «Литературная газета». 1957 йил, 17 февраль; Султон И. «Бакинский рабочий», 1960 йил, 12 май. Шарафиддинов О. Замонавийлик-адабиётнинг қалби.// Ўзбекистон маданияти. 1959 йил, 20 май; Шухрат. Мақсуд Шайхзода 60 ёшда. // Шарқ юлдузи, 1968 1-сон. ; Олимжонова Ҳ. Фикр торлари. – Т.: Ўзбекистон Компартияси нашриёти, 1966. – Б. 38; Жалолов Т. Яшасин табассум. Мақолалар. – Т.: Тошкент бадий адабиёт нашриёти, 1966; Маллаев Н. Устоз соҳиб қалам. // Ўзбекистон маданияти, 1968 йил, 16 февраль; Норматов У. Яхши поэма. (Тошкентнома). // Қизил Ўзбекистон, 1958 йил, 21 ноябрь; О.Шарафиддинов. Шайхзода (ижодий портрет). – Т.: Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки. II том, Ўз ФА нашриёти, 1961 й. – Б. 720-771. ; Ғафуров И. Оламнинг хуснига мадхия.//Шарқ юлдузи, 1968 йил, 2-сон.; Қўшжонов М. Дийдор. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 314.; Ёқубов Ҳ. Адабий мақолалар. – Т.: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. – Б. 75.; Мақсуд Шайхзода замондошлар хотирасида. Тўловчилар: М. Зокиров, Отаёр. – Т.: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 200; Тўрабоев Т. Мақсуд Шайхзода ижод лабораториясини ўрганишда шоир кутубхонасининг роли. Адабий мерос. Илмий асарлар тўплами. Институт таҳрир ва нашриёт бўлими. – Т. 1980; Олмос. Шайх Амаким.//Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1989 йил, 27 январь.

⁴Зокиров М. Мақсуд Шайхзода. – Т.: Ғафур Ғулум номидаги Бадий адабиёт нашриёти, 1969. – Б. 192.

⁵Мақсуд Шайхзода замондошлар хотирасида. Тўловчилар: М.Зокиров, Отаёр. – Т.: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 200.; Зокиров М. Шайхзода мероси. // Тошкент оқшоми, 1971 йил, 22 февраль.

ҳаётни акс эттира билиш қобилияти, илми, ижод йўлининг камолотга етиш босқичлари таҳлил қилинган⁶. Академик Наим Каримовнинг Шайхзода ижоди бўйича олиб борган фидокорона ва чуқур таҳлилий ишлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Наим Каримовнинг “Мақсуд Шайхзода” маърифий романи⁷ ва қатор мақолалари⁸ Шайхзода ижоди борасида “наинки илмий, балки бадийлашган илмий тафаккур юритишнинг ўзбек адабиётидаги жаҳон андозаларидан қолишмайдиган гўзал намуналаридан”⁹ бири бўлди.

Шайхзоданинг драматик асарлари адабиётшунос олимлар, санъатшунос, театршунос ва киношуносларнинг доимий назарида бўлган. Бу борада Т.Исломов, Ҳ.Абдусаматов, М.Раҳмонов, Д.Раҳматуллаева, М.Алаев, Б.Имомов, М.Исроилов, М.Маматвалиев, Т.Собиров, Т.Файзиев, Б.Жалилов, Б.Турдиев, Т.Турсунов, О.Ризаев, М.Умаровлар¹⁰ амалга оширган илмий ишларни алоҳида таъкидлаш ўринлидир. “Мирзо Улуғбек” трагедиясининг мактаб дарсликларидаги ҳолати, унга ажратилган дарс соатлари ҳақида мулоҳаза юритган олим Равшан Турсуновнинг “Мактабларнинг ихтисослаштирилган XI синфларида фожиа жанрини ўрганиш” (Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” асари мисолида)¹¹ мавзусидаги диссертациясида ихтисослаштирилган синфларда фожиа жанрини ўрганиш усул ва воситаларини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг бадий-эстетик ривожланишида трагедияларнинг ўрни ва моҳияти тадқиқ этилади. Мақсуд Шайхзоданинг 110 йиллиги муносабати билан Боқу шаҳридаги АМЕА Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти томонидан чоп этилган “Икки халқ ўғли”¹² деб номланган китоб-альбом охириги йилларда Ўзбекистон ва

⁶ Гафуров И. “Лирика ва давр” (Мақсуд Шайхзода лирикасининг ғоявий-бадий хусусиятлари). Филология фанлари кандидати и.д.о. Тошкент: 1972. Б. 150;

⁷ Каримов Н. Мақсуд Шайхзода/маърифий-биографик роман. – Т.: Sharq, 2010. – Б. 404.

⁸ Каримов Н. Шайхзода ва жаҳон адабиёти.//Жаҳон адабиёти, 2008 йил, 11-сон.; Каримов.Н Шайхзода – таржимон.// Jahon adabiyot, 2014, 9-сон.; <https://uza.uz/uz/posts/maqsud-shayxzoda-cholponga-qarshi-korsatma-berganmi>; <https://jahonadabiyoti.uz/2018/04/16/%D0%BD%D0%B0%D0%B8%D0%BC>

⁹ Назаров Б. Давр ва мунаққид. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012, 6-сон.

¹⁰ Исломов Т. Ўзбек тарихий драмаси. – Т.: ЎзССР “Билим” жамияти, 1970. – Б. 110; Исломов Т. “Тарих ва сахна”. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998. – Б. 136; Т. Исломов. Узбекская историческая драма и её сценическое воплощение. – Т.: Автореферат на соискание ученой степени канд. Искусствоведения, 1971.; Исломов Т. Қахрамон ва муҳит.// Ўзбекистон маданияти, 1969 йил, 26 декабрь; Замон ва шахслар талқини кўнгилдагидекми?! // Совет Ўзбекистони санъати, 1985 йил, 2-сон; Абдусаматов Ҳ. Драматургия ва ҳаёт. – Т.: Ўзбекистон, 1974. – Б. 40 б; Абдусаматов Ҳ. “Мирзо Улуғбек” – трагедия намунаси.// Тошкент ҳақиқати, 1978 йил, 21 ноябрь. ; Абдусаматов Ҳ. Традиция ва навотирлик проблемаси. Т.: Фан, 1974. – Б. 151; Абдусаматов Ҳ. Драматургия парвози учун. Адабиётшунослигимизнинг ярим асри. Мақолалар тўплами, 2-китоб. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1975. – Б. 240; Алиев М. Драма ва ҳаёт. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1969. – Б. 167; Жалилов Б. Ўзбек драматургияси поэтика масалалари. Т.: Фан, 1984. – Б. 144.; Имомов Б. Трагедия ва характер. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1977. – Б. 176; Исроилов М. Драматик асарда монолог.// Ўзбек тили ва адабиёти, 1970. №1. – Б. 33-37. ; Маматвалиев М. “Жалолиддин Мангуберди” фожиаси тўғрисида. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988. №6. – Б. 8-12.; Собиров Т. Давр ва драма. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1975. – Б. 376; Раҳматуллаева Д.Н. Ўзбек драматургиясида тарихий мавзу тараққиёти ва шоирлар сиймоси талқини. Санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун. – Т.: 1993. – Б. 189; Раҳматуллаева Д.Н. XX аср ўзбек драматургияси ва театр санъатида тарихий драмалар (шкалланиш ва ривожланиш муаммолари). Санъатшунослик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун. – Т.: 2004. – Б. 330; Турсунов Т. Маннон Уйғур режиссурасининг шаклланиши.// Совет Ўзбекистони санъати, 1987, 10 сон.; Раҳмонов М. Ўзбек театри уруш йилларида.//Театр, 200. № 3;

¹¹ Турсунов Р. Мактабларнинг ихтисослаштирилган XI синфларида фожиа жанрини ўрганиш” (Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” асаримисолида). Педагогика фанлари номзоди илмий дар.ол. у. – Т.: 1998. – Б. 130.

¹² İki xalq oğlu Maqsud Şeyxzadə. (Anadan olmasinin 110 illiyi münasibätilə məruzələr və fotolar). – В.: Elim də təhsil, 2019. – В. 400.

Озарбайжонда шайхзодашунослик бўйича олиб борилган ишларни бир китобга жамлагани билан қимматлидир. Мазкур китобда Озарбайжон Республикасининг кўзга кўринган олимлари: академиклар Иса Ҳебиббейли, Теймур Бунёдов, Камрон Алиев, филология фанлари докторлари Алмаз Увли, Яшар Қасимбейли, Акиф Азалп, Ализода Асрорли, Зўхра Алева, халқ шоири Халил Риза Улултурк, шоир Элдар Искандарзода, Исмаил Умудлу, тарихчилар Азизоға Алиакбаров, Наила Рамазонова, муаллим Санубар Мустафаева, Сима Алихусейнова, Алмаз Исрафилов ҳамда Мақсуд Шайхзоданинг қариндошлари, хусусан, невараси Гулшан Кенгерлинскаяларнинг мақолалари шайхзодашунослик борасида Озарбайжонда олиб борилаётган тадқиқотларни тасаввур қилишга имкон беради.¹³ Ўзбек олимларидан Наим Каримов, Бахтиёр Назаров, Мирзакалон Исмоилий, Шукрулло, Ҳомиджон Ҳомидий, Иброҳим Ҳаққул (Гулноз Сатторова билан суҳбати), Қозоқбой Йўлдош, Йўлдош Солижонов, Санобар Тўлаганова, Исломжон Ёқубов, Абдулла Улуғов, Гулбахор Ашурова, Тозагул Матёқубова ҳамда Абдурашул Эшонбобоевларнинг мақолалари эътиборга моликдир. Туркиялик олим Шуайб Қорақошнинг “Мақсуд Шайхзода ва “Мирзо Улуғбек” пьесаси” номли илмий тадқиқотида Шайхзода ижоди ва ҳаёти бўлимларга бўлиниб, чуқур таҳлил қилинган, “Мирзо Улуғбек” трагедиясидаги рамз ҳамда ифодалардаги давр ва сиёсат таъсири муносиб баҳоланган¹⁴.

Мазкур тадқиқотни ёзишда дунёнинг кўзга кўринган ёзувчилари Толстой, Чехов, Булгаков, Б.Шоу, Шукшин, Ч.Диккенс, Э.Ҳемингуэй, Ф.Кафка, Ж. Оруэлл асарларининг текстологик таҳлилларига алоҳида тўхталиб ўтилган ва махсус ўрганилган¹⁵.

¹³İki xalq oğlu Maqsud Şeyxzadə. (Anadan olmasinin 110 illiyi münasibətilə məruzələr və fotolar). B.: Elim də təhsil, 2019. – B. 400.(қолган мақолалар ҳам шу китобдан олингани учун мақола муаллифи номи ва бети берилди) İsa Həbibbəyli. İkki xalqın görkəmli sənətkari. – S. 3-6; Ülvi Almaz. Maqsud Şeyxzadə şəxsiyyəti Azərbaycan-Özbək ədəbiyyatları arasında mənəvi körpüdür. – S. 7-20; Yaşar Qasimbəyli. Maqsud Şeyxzadə və Azərbaycan poeziyası. – S. 21-31. ; Akif Azalp. Naim Kərimovun “Maqsud Şeyxzadə” romanında boş qəhrəmon obrazi. – S. 32-37; Teymur Bünyadov. Sayrisan ulduzlar. – S. 38– 54; Kamran Əliyev. Maqsud Şeyxzadə və romantik bədiü düşüncə. – S. 55-62; Xəlil Rza Ulultürk. Azərbaycan dəftəri. – S. 73-81; Xəlil Rza Ulultürk. Sənət və istedadın qələbəsi. – S. 82-97; Eldar İskəndərzadə. İkki xalqın oğlu. – S. 98-118; Gülşən Kəngərinskaya. Nəyəli-babali günlərim. – S. 166-170. Ülvi Almaz. Özbək ədəbiyyatı (ədəbiyyatı portret cizgiləri, araşdırmalar) elmi redaktoru və ön söz müəllifi ak. sa Həbibbəyli. B.: Elim də təhsil, 2016 – S. 316; Rza Xəlil. Maqsud Şeyxzadə (monoqrafiya). B.: Bilik, 1978. – S. 67.

¹⁴Şuayip Karakaş. Maksud Şeyxzase ve Mirza Uluğbek piyesi. Türkiyat türklük bilimi araştırmaları dergisi, Güz, 2010 sayı. 7. – S. 13-64.

¹⁵Биография и основные труды Л. Н. Толстого на сайте Научной педагогической электронной библиотеки. elib.gnpbu.ru.«Сайт близких единомышленников Л. Н. Толстого». Работы толстовцев 1880-1986 г.г. и далее.; <http://tolstoy-lit.ru/tolstoy/kritika-o-tolstom/rabota-tolstogo-nad-rukopisyami-vojni-i-mira.htm>; West, Anthony. Н. G. Wells: Aspects of His Life – Random House, Incorporated, 1984. – S. 154; Herbert George Wells (1866—1946). // Bibliothèque nationale de France.; ТолстойЛ.Н. Поли. собр. соч.: В 90 т. Т. 48. С. 98.; Е.Э.Лейтнеккер. 1) Рукописи А. П. Чехова. Описание. Соцэкиз, М., 1938, 129 стр.; 2) Архив А. П. Чехова. Аннотированное описание писем к А. П. Чехову, вып. 1. Соцэкиз, М., 1939, 116 стр.; вып. II, Госполитиздат, М., 1946, 96 стр.; см. также: Е. Н. Коншина. Рукописное наследие А. П. Чехова в Государственной библиотеке СССР им. В. И. Ленина. В кн.: Чеховские чтения в Ялте. 1954. М., Гос. библиотека СССР им. В. И. Ленина, М., 1955, стр. 155-171; Рукописи, поступившие в 1954 г.; М.Чудакова. Жизнеописание Михаила Булгакова. – Москва: Книга,1988. – С.64.: www.litra.ru/composition/download/coid/00057801184864200205/.; <https://www.thefictiondesk.com/news/george-orwell-manuscript-for-1984/>. Appropriating Hemingway: Using Him As a Fictional Character. – USA, 2015. – P.168-197.Zohn H. Franz Kafka and the Yiddish Theatre: Its Impact on His Work by Evelyn Torton Beck. – The Journal of English and Germanic Philology, Vol. 71, No. 1 (Jan., 1972), P. 87-89; Borie Ch. From Shrine to Stage: Inner Space and the Curtain in Jane Eyre// The Journal of the Brontë Society, 18 Jul 2013, P.107-116; Peter Gahan. Bernard Shaw and Beatrice Webb on Poverty and Equality in the Modern World, 1905–1914. — Cham : Springer, 2017. – P. 64-68. – 219 p.

Юқоридаги тадқиқотларда Мақсуд Шайхзода қўлёзмаларининг матний-қиёсий тадқиқи, жумладан, “Жалолiddин Мангуберди”, “Мирзо Улуғбек” трагедиялари матншунослик аспектида етарлича таҳлил қилинмаган. Мазкур тадқиқот Шайхзода драмаларининг бирламчи манбалар асосида ўрганилгани, ишга концептуал ёндашиб, матний-қиёсий тадқиқи амалга оширилгани билан аввалги илмий ишлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи илмий-тадқиқот режасига мувофиқ ПЗ-20170920167 рақамли «Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида сақланаётган тошбосма асарларнинг электрон каталогини яратиш ва нашрга тайёрлаш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Мақсуд Шайхзода асарларининг қўлёзма ва нашр манбаларини матний-қиёсий текшириш, матн тарихи, таҳрири ҳамда талқин муаммоларини илмий асослаш натижасида Шайхзоданинг ўзбек адабиётида тутган ўрнини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Жалолiddин Мангуберди” ҳамда “Мирзо Улуғбек” пьесаларининг вариантлари билан нашр нусхалари матнларининг муштарак ва фарқли жиҳатларини аниқлаш;

матншунослик ва адабий манбашунослик тамойилларидан келиб чиқиб Шайхзода драматик асарларини илмий тасниф асосида ўрганиш ва муаллиф вариантыга яқин матнларни тиклаш;

ўзбек драматургиясининг ривожланиш босқичлари ва Шайхзода драматик асарларини ўрганишнинг методологик асосларини аниқлаш;

драматик асарлари матни, матн тарихи, матн таҳририга доир назарий қарашларни бойитиш;

“Жалолiddин Мангуберди” ҳамда “Мирзо Улуғбек” пьесаларининг образлар тизими ва бадииятидаги муштарак ҳамда фарқли жиҳатларни асослаш.

Тадқиқотнинг объектини Мақсуд Шайхзоданинг ЎзРФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида сақланаётган Шайхзода асарларининг қўлёзмалари, турли йилларда нашр этилган “Жалолiddин Мангуберди” ва “Мирзо Улуғбек” пьесалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Мақсуд Шайхзоданинг драматик асарлари қўлёзмаларининг матний-қиёсий тадқиқи, асарларидаги матн тарихи, таҳрири ва талқини муаммоларини ўрганиш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, матний-қиёсий, структурал, аналитик тадқиқ усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шайхзода асарлари қўлёзмаларини матний-қиёсий текшириш натижасида ижодкор асарларининг давр ва мафкура таъсирида таҳрирга учраган, йўқотилган ўринлари, хусусан, “Жалолiddин Мангуберди”, “Мирзо Улуғбек” фожиаларидаги тарихий шахсларга бўлган муносабат, жой номлари, архаик сўзлар, дин ва эътиқод

талаби, сиёсий мафкура чиғириғига кўра тушириб қолдирилган қатор ўринлар тикланган;

режиссёр Ҳамид Қаҳрамон шахсий уй-архивидан “Жалолоддин Мангуберди” драмасининг 1944 йилда кўчирилган янги нусхаси топилгани ва бу вариант “Жалолоддин Мангуберди” драмасининг олтита варианты билан қиёсий текширилиши натижасида драма мукамал вариантга яқинлиги жиҳатидан муҳим манба бўлиб хизмат қилиши исботланган;

Шайхзоданинг шу пайтгача фанга маълум бўлмаган “Навоий” опера-либреттоси топилиб, илмий истифодага олиб кирилган, “Мирзо Улуғбек” трагедиясининг илк қисқартма варианты топилган ва бошқа вариантлари билан муқояса этилиб, ишончли манба эканлиги далилланган;

Шайхзоданинг Тошкентга келгунга қадар Озарбайжонда 1920 йилда ёзилган “Истиклол” поэмаси топилгани, шу пайтгача фанга маълум бўлмаган мазкур асар Мақсуд Шайхзода ижодининг илк даври ҳақида қимматли илмий маълумотлар бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Шайхзода драмаларининг қўлёзмалари матн тарихи ҳамда таҳрири ўрганилиб, театр санъатимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти аниқланган;

Шайхзоданинг шу пайтгача фанга маълум бўлмаган қўлёзмалар билан ишлаш техникаси, индивидуал хусусиятлари кўрсатилган;

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондида сақланаётган Шайхзода қўлёзмалари матни қиёсий тадқиқ қилиниб, муаллиф вариантыга яқин матнлари тикланган;

режиссёр Ҳамид Қаҳрамон шахсий архивидан топилган “Жалолоддин Мангуберди” драмаси шу пайтгача мавжуд драма вариантларнинг энг тўлиғи эканлиги аниқланиб, драмани ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши исботланган;

Шайхзоданинг қўлёзмаларида қолган тузатишлар ва охири таҳрирларида унинг асарларига давр мафкурасининг таъсири, адабий-эстетикаси, сиёсий, ижтимоий, маданий воқеликка муносабати ва дунёқараши масалалари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Шайхзоданинг драматик асарлари илк қўлёзма манбалари асосида ишлангани, драматик асарларининг аслиятга мувофиқ матни тиклангани, “Шайхзода, давр ва ижод” – шу уч талаб ўртасидаги зиддият ва унинг ижодга таъсири батафсил таҳлилга тортилгани, Шайхзода ижодий лабораториясининг кўлами, ўзига хос техникаси, таҳрир санъати масалалари қамраб олингани, драматик асарлари матний-қиёсий тадқиқ қилиниб, замонавий илмий концепциялар асосида хулосалар чиқарилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Мақсуд Шайхзоданинг қўлёзмалари, хусусан, драматик асарлари матний-қиёсий аспектда илк бор махсус талқин этилиши, шайхзодашуносликда эришилган илмий ютуқлар ва назарий асослар илмий тўлдирилгани, матншуносликнинг замонавий асослари архившуносликнинг

илмий ютуқларига таяниб назарий қарашлар билан мустаҳкамлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек адабиёти ва санъати бўйича келгусида қилинадиган илмий тадқиқотлар учун асос бўлиши, театр санъати вакиллари Шайхзода ижодига мурожаатини мазмунан бойитишда, илмий материаллардан магистратура ва бакалавриат босқичлари учун «Матншунослик», «Матншунослик назарияси», «Адабий манбашунослик тарихи», «Матн таҳрири», «Санъатшунослик», «Маданиятшунослик», «Санъат тарихи», «Драматургия асослари» фанлари бўйича ўқув қўлланма, дарслик ва дастурлар яратиш, маърузалар, махсус курс, семинарларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мақсуд Шайхзода асарлари қўлёзмаларининг матний-қиёсий тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Жалолиддин Мангуберди” драмасининг матний-қиёсий тадқиқи, топилган янги вариантларнинг илмий асоси, образлар тизимининг таснифи, драматик асардаги Шайхзода таҳрир санъати ва эстетикаси, “Мирзо Улуғбек” трагедиясининг матний-қиёсий тадқиқи, матн поэтикаси хусусиятларига доир илмий хулосалардан ФЗ-2016-0908165532 рақамли “Қорақалпоқ тилининг янги алфавит ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалнинг 2022 йил 06 июндаги 145-сон маълумотномаси). Натижада Шайхзода адабий меросининг Қорақалпоғистонда ўрганилиши, таржималарнинг матн тарихи, Шайхзода таҳрир санъати ва уни ўрганиш тамойиллари, образлар тизими, матн поэтикасига оид манбалар янги маълумотлар, янгича илмий хулосалар билан бойитилган.

Шайхзода қўлёзмалари ва архивида сақланган шоир биографиясига оид янги маълумотлардан, жумладан, ижодкор лабораторияси, таҳрир санъати, кундаликлар, хотиралар ва касаллик варақаларини ўрганиш ҳамда шоирнинг XX аср бошларидаги ўзбек адабиётидаги мавзулар ва жанрлар тақомилидаги ўрни, адабий меросининг янгича талқинига оид илмий хулосалардан “Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмасига биноан Озарбайжон Маданият маркази билан ҳамкорликда “First art media” студияси томонидан ишланган “Мақсуд Шайхзода: Эрка интилган шоир” хужжатли фильми сценарийсини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон киноарбоблар уюшмасининг 2022 йил 2 январдаги 02-03-04 маълумотномаси). Натижада фильмнинг мазмуни илмий хулосаларга таянилган ҳолда янги бадиий тафаккур мезонлари ва маълумотлар билан бойитилган;

Шайхзода яшаган ўттизинчи, қирқинчи, элтигинчи йиллардаги архив материаллар, ёзувчи кундалигида қолиб кетган хотиралар, қўлёзма манбалар қиёсий-матний тадқиқига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Tarixiy savol” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телканали давлат унитар корхонасининг 2022

йил 26 январдаги 02-03-110-сон маълумотномаси). Натижада Шайхзоданинг ҳаёти ва ижодига оид ишончли, муҳим ҳамда янги маълумотлар кўрсатувнинг илмий аҳамияти ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 5 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 158 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилигига асосланиб, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг **“Мақсуд Шайхзода асарлари қўлёзмалари ўрганилганлик масаласи ва таснифи”** деб номланган дастлабки боби 2 фаслдан иборат. Бобнинг *“Мақсуд Шайхзода асарлари қўлёзмаларининг ўрганилганлик масаласи”* деб номланган биринчи фаслида шайхзодашуносликда олиб борилган илмий-назарий ишлар, таҳлиллар, қарашлар, Шайхзода ижодининг XX аср ўзбек адабиётига қўшган ҳиссаси, шу пайтгача юртимизда ва хорижда олиб борилган тадқиқотлар тарихи ва натижаси ҳақида сўз боради. Шайхзода ижоди давр талотўплари ва зиддиятлари ичида кечди. У ўзбек шеърятига ўзига хос фалсафа, мумтоз илм, теранлик, мушоҳада, тоғли Кавказ халқ оҳанглариининг ўзига хос руҳини, ўйноқилик ва виқорини олиб кирди. Унинг ижоди ўз даврида ҳам, ундан кейин ҳам изланувчиларнинг доимий эътиборида бўлди.

Ҳар бир қўлёзма бир тарих, бир хотирадир. У ёзувчининг асар устидаги ишлаш жараёни, руҳий ҳолати, ижод столидаги меҳнати, тортган машаққати, интизоми, ожизлиги, хатолари ва ютуқларини кўрсатиб берувчи кўзгудир. “Дунёдаги ҳеч бир иштиёқни бировнинг қўлёзмасини таҳрир қилиш иштиёқи билан тенглаштириб бўлмайди”, деган эди машҳур инглиз ёзувчиси Герберт Уэллс.¹⁶ Хотираларсиз ўтмиш бўлмагани сингари қўлёзмалар ва уларнинг устидаги азобли меҳнатларсиз мукамал асар яратиб бўлмайди. Шайхзода ҳам қўлёзмалар устида ишлашни сира тўхтатмаган, ҳатто асарларни чоп этилгач ҳам устидан “чизиб-бўяш”да давом қилади. Бу Шайхзода қўлёзмалари матншунос

¹⁶ West, Anthony. H. G. Wells: Aspects of His Life — Random House, Incorporated, 1984. — S. 154; Herbert George Wells (1866—1946). // Bibliothèque nationale de France.

учун қизиқарли бой манба эканлигини кўрсатади. Шайхзоданинг асарларини ўрганиш шоир ижод қилган даврдан бошланган. Шайхзода ижодини ўрганишда, хусусан, унинг иш столида қолган кўлёмаларнинг илк тадқиқотчиси, шоирга ҳамиша ҳамқадам бўлган жафокаш олим ва шогирд Муҳсин Зокировдир. Унинг ғайрати, содиқлиги, илмий зеҳнияти туфайли Шайхзоданинг кўпгина асарлари ўз вақтида ўрганилгани, таҳлил қилингани ва энг муҳими сақланиб қолингани диққатга сазовордир. Муҳсин Зокиров шоир адабий меросини ўрганиш комиссиясининг аъзоси бўлган ва илк бор (Шайхзоданинг вафотидан сўнг) унинг кўлёмалари билан танишган инсондир. “Мана бир неча вақтдан буён адабиётимизнинг ёрқин сиймоларидан бири, оташнафас шоир Мақсуд Шайхзоданинг табаррук ижодхоналаридамиз”¹⁷, дея ёзар экан, олим бу ишдан нақадар шараф туяётганини таъкидлаб ўтади.

Шайхзода бағоят сермахсул ва сермазмун ижод қилган, қирқ минг мисрага яқин шеърый асарлар ва эллик босма табокдан ортиқ илмий-тадқиқот монографияларини, илмий-публицистик мақолаларни ёзиб қолдирган. Бу адабий мероснинг ўзига хос ёрқин ва мислсиз фазилати шундаки, унинг ҳар бир шеър, шеърый туркум ёки шеърый тўпламига қўйган сарлавҳаси шоир ижодининг маълум бир палласига хос ғоявий-бадий мундарижани яққол ифодалайди. Мақсуд Шайхзода ўзининг сўнгги “Хиёбон” шеърый тўпламига ёза бошлаган, аммо тугалланмай қолган сўзбошида бутун ижодий йўлига якун ясагандек таассурот уйғотиб, “Бу китоб ўзи бамисоли хиёбондирки, бу йўл юришларнинг файзи, кезишларнинг завқи, курашнинг машаққати, ҳижронларнинг алами, висолларнинг қувончига гувоҳ бўлган дарахтларнинг қучоғида умр бўйи узайиб бормоқда”, деган эди Муҳсин Зокиров¹⁸.

Мақсуд Шайхзоданинг вафотидан бир йил ўтиб, Ҳулкар Олимжонованинг “Фикр торлари” рисоласи чоп этилган¹⁹. Рисолада Шайхзода ижодига эркин ёндашиб, унинг болалик йиллари, шеърлари, илк драматик асарлари ва ижодий камолот даври ҳақида илмий-публицистик мулоҳазалар билдирилган. Шайхзода драмаларидаги мавзу кўлами, тарих ва замон уйғунлиги, қаҳрамонларга юкланган фалсафий қарашлар, қолаверса, жаҳон адабиётининг ижодкорга кўрсатган таъсир омиллари ҳақида фикр юритган муаллиф рисолаининг “Саҳна тили билан” деб номланган рукнида қўйидаги муҳим мулоҳазаларни билдирган: “Драма ёзиш ҳақидаги ўйлар уни ҳеч қачон тарк этгани йўқ. У драматургиянинг шоҳ асарлари билан яшади, драматургия санъати сирларини ўрганди. Ғарбий Европа ва рус классикларини ўқийди, сўнг тажрибада ўз қаламини қайрайди. Жаҳон адабиётининг нодир асарлари бўлган В.Шекспир асарларининг таржимаси Шайхзоданинг санъати, ижодхонасинигина эмас, балки бутун ўзбек адабиётини ҳам бойитди”²⁰. Юсуф Шомансуровнинг “Шайхзода – бунёдкор шоир” (Ўзбек шеъриятида анъана ва новаторлик масалалари) деб

¹⁷ Зокиров М. Шайхзода мероси. // Тошкент оқшоми, 1971 йил, 22 февраль.

¹⁸ Зокиров М. Шайхзода мероси. // Тошкент оқшоми, 1971 йил, 22 февраль.

¹⁹ Олимжонова Ҳ. Фикр торлари. –Т.: Ўзбекитсон Компартияси нашриёти, 1966. – Б. 38.

²⁰ Ўша манба. – Б. 27.

номланган рисолаши алоҳида аҳамиятга эга²¹. Юмшоқ муқовали бу ихчам китобда шоир ижодидаги анъана ва новаторлик масалалари таҳлилга тортилади, Шайхзоданинг ижодий принциплари саналади. Рисола муаллифи ҳам шоир, ҳам олим бўлмиш Шайхзода ижодининг ҳар томонлама тадрижий равишда камолот чўққилари сари интилганини ёрқин, ўзига хос тасвирлар акс этган мисоллар орқали атрофлича тадқиқ этади, бадиий ўхшатмалар қилади. Рисоланинг аҳамиятли томони илмий қарашларнинг содда ва ҳаммабоп қилиб берилганидир. Бундан ташқари Шайхзода ва Маяковский ижодининг ҳамоҳанглиги алоҳида таҳлилга тортилган, у Шайхзодани “улкан рус шоири Владимир Маяковский мактабидан таълим олиб, ижодий сарчашмасидан баҳраманд бўлган ва ниҳоят, унинг Шарқдаги баркамол шогирдлари сирасида ўрин эгаллаган”, дея эътироф ва талқин этади.

Матнунос олим Жалолиддин Жўраев нашрга тайёрлаган Мақсуд Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди”²² драмаси охириги йилларда шайхзодашуносликда қилинган муҳим иш бўлиб, драманинг тугал матнини тиклаш бўйича катта аҳамият касб этади.

Шайхзода архивида сақланиб қолган шоир ижоди бўйича шу пайтгача жамоатчиликка маълум бўлмаган айрим мақола ва чиқишлар ҳам тадқиқ этилди. Шунини айтиш лозимки, Шайхзода ижодини ўрганиш бўйича ўз даврида муҳим қадам бўлган ва уларни муаллифнинг ўзи кўриб, муносабат билдирганлиги билан қимматлидир.

Мазкур тадқиқотни ёзишда дунёнинг кўзга кўринган ёзувчилари Л.Толстой, А.Чехов, М.Булгаков, Б.Шоу, Шукшин, Ч.Диккенс, Э.Хемингуэй, Ф.Кафка, Ж.Оруэлл асарлари устида олиб борилган текстологик таҳлиллар ўрганиб чиқилди ва илмий ишга татбиқ қилинди²³.

Шайхзода ижодини ўрганиш, юқорида таъкидланганидай, ўтган асрнинг эллигинчи йилларидан бошлангани, тадқиқотлар юртимиз ҳамда хорижда кенг

²¹ Шомансуров Ю. Шайхзода – бунёдкор шоир (Ўзбек шеърлятида анъана ва новаторлик масалалари). – Т.: Ўзбекистон нашриёти, 1972. – Б. 37.

²² Шайхзода М. Жалолиддин Мангуберди; нашрга тайёрловчи Ж. Жўраев; масъул муҳаррирлар Н.Каримов, С. Ҳасанов. – Т.: Mumtoz soʻz нашриёти, 2015. – Б. 176.

²³Биография и основные труды Л. Н. Толстого на сайте Научной педагогической электронной библиотеки. elibrary.gnpbu.ru. «Сайт близких единомышленников Л. Н. Толстого». Работы толстовцев 1880-1986 г.г. и далее.; <http://tolstoy-lit.ru/tolstoy/kritika-o-tolstom/rabota-tolstogo-nad-rukopisyami-voyny-i-mira.htm>; West, Anthony. H.G. Wells: Aspects of His Life -Random House, Incorporated, 1984. – S. 154; Herbert George Wells (1866-1946). // Bibliothèque nationale de France.; Толстой Л.Н. Поли. собр. соч.: В 90 т. Т. 48. С. 98.; Е. Э. Лейтнекер. 1) Рукописи А. П. Чехова. Описание. Соцэкгиз, М., 1938, 129 стр.; 2) Архив А. П. Чехова. Аннотированное описание писем к А. П. Чехову, вып. 1. Соцэкгиз, М., 1939, 116 стр.; вып. II, Госполитиздат, М., 1946, 96 стр.; см. также: Е. Н. Коншина. Рукописное наследие А. П. Чехова в Государственной библиотеке СССР им. В. И. Ленина. В кн.: Чеховские чтения в Ялте. 1954. М., Гос. библиотека СССР им. В. И. Ленина, М., 1955, стр. 155-171; Рукописи, поступившие в 1954 г.; М.Чудакова. Жизнеописание Михаила Булгакова. – Москва: Книга, 1988. – С.64.; www.litra.ru/composition/download/coid/00057801184864200205/; <https://www.thefictiondesk.com/news/george-orwell-manuscript-for-1984/>. Appropriating Hemingway: Using Him As a Fictional Character. – USA, 2015. – P.168-197.Zohn H. Franz Kafka and the Yiddish Theatre: Its Impact on His Work by Evelyn Torton Beck. – The Journal of English and Germanic Philology, Vol. 71, No. 1 (Jan., 1972), P. 87-89; Borie Ch. From Shrine to Stage: Inner Space and the Curtain in Jane Eyre// The Journal of the Brontë Society, 18 Jul 2013, P.107-116; Peter Gahan. Bernard Shaw and Beatrice Webb on Poverty and Equality in the Modern World, 1905–1914. — Cham : Springer, 2017. – P. 64-68. – 219 p.

қамровда олиб борилганига қарамай, шу пайтгача шоир ва драматург асарларининг қўлёзмалари матний-қиёсий ўрганилмаган, матн тарихи ва тадқиқи қилинмаган. Бу эса ўз навбатида, Шайхзода асарлари таҳлиliga турли эски қарашларнинг кўчиб ўтишига ва сақланишига, асарларининг турли хил сиёсий қарашлар туфайли ўзгаришга учраши ҳамда бу ўринлар ҳамон таҳлилга тортилмаганига, муаллиф вариантдан фарқли ҳолда чоп этилиши ва саҳнага олиб чиқилишига сабаб бўлмоқда. Шу ўринли сабаб ва ўрганишлар туфайли тадқиқотимиз Шайхзода қўлёзмаларини матний тадқиқ қилиб шоир ижодининг янги қирралари очилишида ва адабий ҳақиқатлар тикланиши йўлида муҳим қадам бўлиши мумкин.

Бобнинг иккинчи фасли “**Мақсуд Шайхзода архиви таснифи**” хусусида бўлиб, унда муаллиф қўлёзмалари турли жиҳатларига кўра таснифланган. Шайхзода қўлёзмаларини таснифлар эканмиз, матншуносликнинг бугунги замонавий талаб ва тамойилларига таяндик, уларни амалий ўзлаштирдик ва шоир ижоди билан ҳамоҳанглаштирдик. Мақсуд Шайхзоданинг барча қўлёзмалари бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг “Ўзбекистон ёзувчилари архиви” фондида, жами 831 та тартибланган ҳужжатлар ичида сақланади. Ушбу архив бой ва қимматли қўлёзмалар, ҳужжатлар, фотолар, китоблардан иборат хазинадир. Шайхзода қўлёзмалари шоирнинг ўлимидан тўрт йил ўтиб, 1972 йилда хотини Сакина хоним розилиги билан фондга олинган. Мақсуд Шайхзода асарлари қўлёзмаларини жанр хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидагича таснифлаш мумкин:

- шеърляти (шеърлар, дostonлари, таржималари ва шеърлий йўлда ёзилган манбалар);
- драматургияси (драматик асарлари, сценарийлари ва драматик турга оид манбалар);
- илмий тадқиқотлари (диссертацияларининг қўлёзмалари, илмий мақолалари ва илмий маърузалар);
- публицистикаси (мақолалари, турли тадбирларда қилган маърузалари, ёзишмалари ва хатлари).

Мазкур тартибда таснифлаш усули қўлёзмалар устида ишлашни осонлаштиради ва умумий хулосалар чиқаришда қўл келади. Бунда тил хусусиятлари ва ёзув турларидаги фарқларни ҳам эътиборга олиш ўринлидир. Муаллифнинг Озарбайжонда туғилгани, шу заминда саводи чиққани, Тошкентга келгани ва фаолияти, ҳар икки мамлакатнинг сиёсий элита тили рус тили бўлгани, илмий иши ва драматик асарларидаги манбалар арабий алифбода сақлангани, ўзбек тилининг алифбо тартибидаги қонун-қоидалар тез-тез ўзгаргани туфайли Шайхзода бир нечта тил ва ёзувларни мукамал эгаллаганини кўриш мумкин. Бу кўп тиллилик ва ёзув шаклининг хилма-хиллиги ҳам ўрганилаётган объектнинг мураккаб кечишини, текстологик таҳлил муҳим эканини кўрсатади.

Шоирнинг қўлёзмаларини тил шаклига кўра, қуйидаги тартибда таснифладик:

- озар тили (илк ижодий ишлари);

- ўзбек тили (асосан 1929 йилдан бошлаб чоп этилган ёки шоир архивида қолган ижодий манбалар);
- рус тили (шеърлар, дostonлар, таржималар, сахна асарлари, сценарийлар, маърузалар, хатлар, қайдлар);
- форс тили (фикрлар, турли қайдлар ва маърузалар).

Шайхзода қўлёмаларини ёзув шаклига кўра, қуйидаги тартибда таснифлаш мақсадга мувофиқдир:

- араб графикаси асосида озар ёзуви (илк саводи чиққан ва биринчи ижодий намуналари ёзилган);
- араб графикаси асосидаги ўзбек ёзуви (Тошкентга келиши билан то умрининг охиригача ёзилган турли қўлёмалар, қораламалар);
- лотин графикаси асосидаги озар ёзуви (XX асрнинг 20 йилларидан кейин то Тошкентга келгунича бўлган давр оралиғида ёзилган манбалар);
- лотин графикаси асосидаги ўзбек ёзуви (бу унинг Тошкентга илк келган даврларидан бошлаб ёзув тури кирилл ёзувига ўзгаргунча бўлган даврдаги ижодий намуналар);
- кирилл графикаси асосидаги ўзбек ёзуви (кирилл ёзувига расмий ўтилишидан бошлаб, умрининг охиригача чоп этилган асарлар, машинкалаган кўплаб манбалар ва бошқа ёзувлар);
- кирилл графикаси асосидаги рус ёзув (рус тилидаги барча ёзувлари).

Қўлёмаларнинг тил ва алифбога кўра турларга бўлиниши Шайхзода ижодий ишларини давр тақозоси билан турли тил ва алифбода ёзишига тўғри келганини кўрсатади. Тил қонунлари тез-тез ўзгариб тургани ижодкор руҳиятига сезиларли таъсир ўтказган, албатта. Бундай ҳолатларни биз қуйидаги ўринларда кўрамиз:

- имло хатоларининг кўплиги;
- турли тузатишлардаги чалкашликлар (масалан, арабий алифбода ёзилган матнларни лотин ёки кирилл алифбосида тўғрилаш);
- қораламалардаги тартибсизлик (бир асарнинг ярми арабий, ярми кирилл, айрим ўринларининг эса лотин ёзувида битилганлиги);
- тилдаги чалкашликлар (бир матнда форс, ўзбек, рус ва бошқа тилдаги сўзларнинг биргаликда келиши);
- қўлёмаларнинг кўп ўринлари ўчирилгани, бўялгани, чапланган ва ҳоказолар.

Шоир бу ёзувлар ичида араб графикаси ва кирилл графикаси асосидаги ўзбек ёзувларидан самарали фойдаланган. У аксар ҳолларда кўнгилдан тошиб келган тошқин сатрларни илк саводи чиққан араб алифбосида битган, сўнгра шеърларидаги тузатишларни кирилл ва лотин алифболарида амалга оширганлигини кўришимиз мумкин.

Маълумки, Шайхзода «Навоийда лирик қаҳрамон характери ва унинг очилиш приёмлари ҳақида» номзодлик диссертациясини химоя қилган. Мазкур илмий ишни ёзиш давомида у астойдил илмий изланиш олиб борганини, кўплаб манбалар йиғганини архивда сақланаётган материаллардан кўришимиз мумкин.

Шайхзоданинг навоийшуносликка оид қўлёзмаларини ҳам қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

- навоийшуносликка оид илк тадқиқотлари;
- “Навоийда лирик қаҳрамон характери ва унинг очилиш приёмлари ҳақида» номзодлик диссертацияси қўлёзмалари ва унга оид бошқа манбалар;
- навоийшуносликка оид қардош ва чет тилларидаги манбалар;
- Навоийнинг таваллуд саналарига атаб ёзилган нутқлар, маърузалар, фикрлар;
- “Навоий лирикасининг ғоявий ва бадиий-поэтик хусусиятлари” мавзусидаги докторлик диссертацияси ва унга оид бошқа манбалар;
- Шайхзоданинг тадқиқот дафтарлари, конспектлари.

Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан 1941 йил “Ўзадабийнашр” нашриётида нашр этилган “Гениал шоир” китоби Шайхзоданинг илмий фаолиятида катта воқеа бўлиб, шеърят орқали анча танилган ижодкорнинг илк катта тадқиқотларидан бири эди. Мазкур китоб мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. 1948 йилда эса «Ғаройиб ус-сиғар» девони бўйича «Навоийда лирик қаҳрамон характери ва унинг очилиш приёмлари ҳақида» номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Шайхзоданинг бу тадқиқотни ёзиш учун қай даражада илмий изланишлар олиб борганини унинг ўзи йиғган ва бугун архивда сақланаётган 100 дан ортиқ ҳужжат гувоҳликка ўтади. Бу диссертация муаллиф тузатишлари билан бирга 85 варақдан иборат бўлиб, “482” тартиб рақами остида сақланади. Шайхзода 1940 йилдан бошлаб Навоий ижоди бўйича нималарни тадқиқ қилиб, нима янгиликларни излаб топган бўлса, барчасини қатор дафтарларга ёзиб қолдирган, унинг тадқиқот дафтарлари, блокнот, конспектлари (тартиб рақами 480, 481, 484, 485) сақланиб қолган. Унда асосан араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзуви ва рус ёзувларидан фойдаланган.

Ишнинг иккинчи боби “**Мақсуд Шайхзода драматик асарларининг матн тадқиқи**” деб номланиб, илк фаслида “*Жалолиддин Мангуберди*” драмаси қўлёзмаларининг матний-қиёсий тадқиқи” амалга оширилган. “Драмада менинг севган мавзум – Шарқ тарихи”, деган эди Шайхзода. Ҳақиқатан ҳам, унинг барча асарларида тарихга, мозий сирларини билишга бўлган интилиш, кучли эҳтиром ва эмоционал-фалсафий руҳ ётади. Аммо ҳамма давр, ҳамма тарихий шахс ҳам драма учун қаҳрамон бўлавермайди, қолаверса, ҳар қандай ижодкор ҳам тарихий шахс образини ярата олмайди. Бу кўлам ўқувчи ва томошабинни ўзига сеҳрлаб олади. Шу сабабли тарихий қаҳрамон образини яратишда тарихий фактлар, манбаларни ўрганиш ва ўша даврга оид қўлёзмаларни тадқиқ қилишнинг ўзи камлик қилади, тарихий асар ёзиш учун истеъдод, бадиий дид ва қаламга олинган тарихий шахс каби улуғвор қалб соҳиби бўлиш талаб этилади. Тарихий асар яратиш – мураккаб жараён, кўпчиликка таниш бўлган шахс ҳақида бадиий асар ёзиш учун унинг биографияси, ҳаёт йўли ҳақида шунчаки баёнчилик қилиш билан муваффақиятли асар яратиш бўлмаслиги кўп бор таъкидланди. Шунинг учун ҳам кўплаб мумтоз шоирларимиз ҳақида ёзилган драмалар бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотган,

адабий давраларда эсланмайди, театр сахналарида ижро этилмайди, адабий манба сифатида тадқиқот марказига тортилмайди. Мақсуд Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди” драмаси нисбатан кам ўрганилган. Чунки бу асар тақдири хийла мураккаб кечади. Асар сахнага қўйилмасдан туриб, давр сиёсатининг тўсиғига учрайди. Аммо санъат асарларини нурга менгзаш мумкин, уни ҳеч қачон инсон қўли билан узоқ вақт яшириб бўлмайди, чунки нур зулматни енгиб чиқади. Ўзбек драматургияси ва театр санъатида “Жалолиддин Мангуберди” драмаси алоҳида бир воқелик сифатида кутиб олинди. Асар ўзбек драматургиясидаги курашчанлик, инсоний улуғворлик ва кўтаринкилик руҳини ўзига сингдирган, қаҳрамонлик ҳамда трагизм нафасини асарнинг бош ғоявий-эстетик негизига айлантирган чинакам реалистик тарихий трагедия намунаси сифатида катта қийматга эга бўлади. Асар уруш йилларида ёзилгани сабабли табиий равишда унда ҳарбий ватанпарварлик оҳанглари, чет эл босқинчиларига қарши кураш ғоялари, Ватаннинг муқаддаслиги тўғрисидаги чақириқлар анча катта ўрин эгаллаган эди. Бироқ драманинг ғоявий асосини фақат шу жиҳатлар билангина чеклаб қўйиш тўғри эмас.

“Жалолиддин Мангуберди” драмасининг нусхаларини матний-қиёсий таҳлилдан ўтказиш учун қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлади:

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида сақланаётган асарнинг муаллиф тузатиши ва дасхатларига эга нусхалари;

Шайхзоданинг замондошлари ва шогирдлари томонидан тайёрланган манбалар;

китоблар ва вақтли матбуот нашрларидаги нусхалар ва режиссёр Ҳамид Қаҳрамон шахсий архивида сақланаётган (№78) манба.

Мавжуд қўлёзма матнлар бор экан, матншуноснинг олдида урта муҳим вазифа туради:

асарнинг асосий (таянч) матнини аниқлаб олиш;

матнга муаллиф ихтиёридан ташқари янглиш ўринлар кириб қолган-қолмаганини танқидий ўрганиш;

агар матнда янглиш ва хатоликлар учраса, бу ҳолатларни бартараф қилиб каноник матнни белгилаш.

Тадқиқотимизда “Жалолиддин Мангуберди” драмасини етти нусха орқали матний-қиёсий таҳлилга тортдик. Тарих, давр, сиёсат ва бугунги кун талаблари совет даврида чоп этилган ҳар қандай асарларнинг қўлёзмаларини ўрганишни тақозо этади. Бунда тадқиқотни шоир ва замон ўртасидаги зиддият билан ҳисоблашган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

“Жалолиддин Мангуберди” драмасининг матний-қиёсий таҳрир масаласини драматург таҳрири, қўлёзмани кўчирган ҳарф терувчи таҳрири, ғоявий таҳрир ва ўзгартиришлар каби гуруҳларга бўлган ҳолда олиб боришни маъқул кўрдик. Иккинчи бобнинг кейинги фасли “*Мирзо Улуғбек*” трагедияси қўлёзмаларининг матний-қиёсий тадқиқи” деб номланган. Ҳақли маънода тарихий драмалар ўзбек адабиёти ва санъатининг ўсишини ҳам таъминлаган. Бунда Бехбудий, Авлоний, Қодирий, Фитрат, Ҳамза, Чўлпон, Ҳожи Муин Шукрулло, Ғози Юнус, Хуршид қаламга олган мавзулар, қаҳрамонлар, улар


асарларида кўтарилган ғоялар кейинги авлоднинг “кўзини очиш” ва миллат ёшларини Совет мафкуриси таъсиридан тарихий қаҳрамонлар кўли билан қутқариб қолишга интилди. Давр доим замон куйланишини истади, қарши турганларга эса 1937 йилнинг “дор”лари ва “доғ”лари ёпишди. Илк ўзбек драмалари ва уларнинг тадрижий ривожига назар ташлашнинг ўзи бизга тарих ва даврнинг зиддиятли манзарасини яққол кўрсатиб беради. Бу драмаларни жаҳон драматургияси билан солиштирган ҳолда қиёсий-хронологик аспектда ўрганиш, улардаги муштарак ва айри жиҳатларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Драма назариясининг концепцияси ва илмий категорияларини ўрганиш бугун муҳим талаб ҳисобланади. Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” шоҳ асарини таҳлил қиларканмиз, ушбу жиҳатлар зарур эканини англаймиз. Зеро, бадий асарлар доим давр маҳсули бўлган. Асарни ўрганиш даврни ўрганишдир.

“Мирзо Улуғбек” драмасининг нусхаларини матний-қиёсий таҳлилдан ўтказиш учун қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлади:


1	Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида сақланаётган асарнинг муаллиф тузатиши ва дасхатларига эга нусхалари;
2	Шайхзоданинг замондошлари ва шогирдлари томонидан тайёрланган манбалар;
3	Китобларда ва вақтли матбуот нашрларидаги нусхалар;
4	Лотин ёзувида чоп этилган нашрлар;
5	Бугунги кунда саҳнага олиб чиқиляётган вариантлар.

“Мирзо Улуғбек” трагедиясининг қўлёмалари билан танишар эканмиз, Шайхзода кўп ҳолларда иккиланишлар ичида қолганини кўрамиз. Бундан ташқари, уруш йилларида ёзган “Жалолiddин Мангуберди” драмасининг бошига тушган синовлар уни чўчитиб қўйгани, сиёсий қолиплар ва ижодий эркинликни бир қалбга сиғдира олмай азият чекканини кўрамиз. Шунинг учун ҳам асарларнинг қўлёмма ва қоралама нусхаларига жиддий этибор қаратилган. Узок тузатишлар ва кўчиришлардан кейингина унинг тўлиқ саҳна варианты яратилишига розилик беради. Театрларимиз ўсиши ва янгиланишида, шубҳасиз, “Мирзо Улуғбек” трагедиясининг ўрни беқиёс. Унинг қўлёмаларини ўрганар эканмиз, драмаларни ёзиш замирида чекилган заҳмат ва азобларнинг чек-чегараси йўқлигини, ижодкор истеъдоди ва матонатининг беқиёс эканини кўрамиз. Бу эса Шайхзоданинг ижодий лабораториясига чуқурроқ киришга имкон беради.

“Мирзо Улуғбек” трагедиясида муаллиф киритган ўзгартириш ва киритмаларни қуйидагича гуруҳларга бўлиб ўрганилди:



“Мирзо Улуғбек” трагедиясидаги бир ярим мингдан ортиқ тузатишларни қуйидаги тавсифлаш мумкин:



М3 вариантыда бундай ўзгаришлар кўплаб учрайди. Жумладан, мантиқсизлик туғилган “дуч чиқиб қолади” сўз бирикмаси “дуч келади”, дея сўзлашув услубимизга мос равишда тўғриланади (Б.34), “тайёрла”, “чора лозим”, “чиқиб кетади” феъллари мос равишда “шай бўлсин”, “чора кўрмоқ лозим”, “чиқади” каби қулайроқ ва жаранглироқ, давр руҳига мос шаклларга алмашади (Б.34). “Елкасига” – “кўксига”, “бутун миллатнинг” – “бутун фуқаронинг” (Б.47), “энг хушёр” – “жуда хушёр”, “дарвозага бормоқчи” – “дарвоза томон юрмоқчи” (Б.38) жумлаларига ўзгартирилган. “Хожа Аҳрор тариқидати борган йўлимиз”ни “Хожа Аҳрор тариқати бизнинг йўлимиз” дея таҳрир қилади (Б.49), “қараб туриб қолади” – “қараб қолади”, “ўртасидаги” – “ичидаги” (Б.52), “халойиқнинг” – “авомларнинг” (Б.55), “қилма лекин” – “қила кўрма”, “ҳамма ечилди” – “бори ечилди” жумлаларига ўзгарган. Улуғбек ўз кўнгли ва шоҳликка авомнинг муносабатини сўзларкан, “Шоҳнинг қалби тош деганлар гоаят хатокор”, дея тугатган. Буни кейинчалик қофияга ҳам эътибор бермай, “гоаят” сўзини олиб ташлайди, “хатокор”дан “кор” қўшимчасини қисқартириб, “қилурлар” дея ўзгартиради, муаллиф негадир бу ўринда оҳанг йўқолишига эътибор қилмайди. Бу ўзгариш шунинг учун ҳам М1 вариантыни нашр қилишда ҳисобга олинмаган бўлиши мумкин.²⁴

²⁴М1. – Б. 91.

Тадқиқотнинг “Мақсуд Шайхзода асарларининг образлар тизими ва матн поэтикаси тадқиқида архив ҳужжатларининг ўрни” номли учинчи бобининг дастлабки фаслида “Жалолоддин Мангуберди” асарининг образлар тизими” ҳақида сўз боради. Шайхзода, аввало, шоир, шунинг учун ҳам унинг асарларида поэтик теран ва гўзал ўхшатишлар, фалсафа, самимият, шавқ, ритм ва оҳанг уйғунлигини кўрамиз. Мақсуд Шайхзода “Жалолоддин Мангуберди” драмасидаги ҳар бир қаҳрамон алоҳида драматик вазифага эгаллиги билан аҳамиятлидир. Шайхзода асарларидаги образлар тизими ҳам бадиий тамойиллар ва драматургик қонуниятларга мувофиқ яратилган. “Шайхзоданинг байтлари ва мисралари мазмунни очишда органик бадиий бутунликка бўйсунди”, дея таъкидлаган эди Шайхзода шеърини ҳақида сўзлай туриб Иброҳим Ғафуров. Бу хусусият унинг барча асарларига, хусусан, драматик асарларига ҳам бирдай тааллуқлидир. Ҳеч бир юки бўлмаган ва айтар сўзи қолмаган, драматик асарнинг хатти-ҳаракатига таъсир қилмайдиган бирорта қаҳрамонни кўрмаймиз. Ҳар бир қаҳрамонга бу каби драматик тиғизликнинг бир занжири сифатида бадиий юк бериш маҳорати ҳар қандай ижодкорга ҳам насиб этавермайди. Элниг қаҳрамони образини яратиш, халқнинг айрилиқ ва жудоликка тўлган кўнглига чироқ тутиш, шундоқ ҳам уруш чангалига тушаётган ёшлар юрагига қувват ва умид бериш, уларнинг руҳини кўтариш сахна асаридан кўзланган асосий мақсадлардан бири эди. Буни унутмаган муаллиф ҳар бир ўринда бу ғояга хизмат қиладиган мисраларни қаҳрамонлар тилидан бериб боради. Драматург шаҳар мадҳига катта урғу беради. Шу билан бирга асар якунидаги шаҳарнинг вайрон бўлиш фожиаси ҳам томошабин кўз ўнгида янада йирикроқ кўламда ва таъсирчан тарзда кўриниб бораверади. Ажнабий савдогарлар, сайёҳлар ва карвонбошиларнинг²⁵ “Хор”и қуйидаги мисраларга қурилган: *“Айландик олам аро, Кўп шаҳри аъзам аро, Халойиқ, одам аро, Қолмай десанг ғам аро – Урганчда бир юриб кет!”* Бу ўринларда “халойиқ”дан сўнг вергул (,) қўйиб тузатилган, “ғам” сўзи (аслида “ғам”)²⁶ ўз ҳолича қолган. Аммо 1944 йилда кўчирилган илк нусхаларнинг бирида ажнабий, савдогар ва карвонбошиларнинг бу “хор” ижроси берилмаган²⁷, тўғридан-тўғри болалар ва сув мадҳига ўтилган. *Болалар: “Оби=замзам, Оби=замзам, оби=жайхун!”*. Бу ўринда яна бир образ борки, Шайхзода бу эпизодик ролга кўп вазифа юклайди. Азалдан халқ ичида юриб, турли томошалар қўйиб авомни шод қилиб, ҳукмдорларни эса тўғри сўзни айтиб ғазаблантирадиган масхарабозлар бўлган ва уларнинг вазифаси миллатнинг кўнглини чоғлаш, бироз бўлса-да, умид бағишлаш ва жамиятдаги иллатларни фош қилиш эди. Бундан ташқари, халқ тутумлари, халқ оғзаки ижодининг гўзал намуналари сақланиб қолиши ва авлоддан-авлодга ўтишида ҳам уларнинг беқиёс хизмати борлигини кўрамиз. Халқ орасида ёмон нарсага нисбатан “бўжи, олабўжи” сўзи ишлатилади, асарда бу жумла Масхарабоз тилидан Чингизхонга нисбатан ишлатилади. Бу Чингизхоннинг ўғли Жўжиганга нисбатан қофия ҳам бўлган, мисраларнинг охирига эса комик характер берилиб, ўқувчида (томошабинда) кулги уйғотади. Драматург

²⁵А1. – Б. 32.

²⁶Тузатилган – А2, А3 вариантларда.

²⁷А4. – Б. 17.

бу образда халқ оғзаки ижодининг образли ифодаларидан унумли фойдаланган. Шайхзода олим ва шоир бўлгани учун асарда доим Жалолиддин ёнида туриб, тарихни битаётган, доим тўғри маслаҳат бераётган ва оқилона фикрлар билан томошабинга вазиятни шарҳлаб, моҳиятни англашга кўмаклашаётган қаҳрамон Насавий образини киритади. Унга Жалолиддин тилидан шундай таъриф берилади: “Шерикдир қилич ва қалам иккави”. Бу фикрлар замирида ифодаланган ғоя Шайхзоданинг кейинги драматик асари “Мирзо Улуғбек” тарихий трагедиясида янада кўламлироқ ва улуғворроқ акс эттирилади. Асарда ўлмас бир алам, ўтли шижоат ва жанговар руҳ берувчи монологлар Темур Малик тилидан янграйди. Драмада улуғ саркарда, кўркмас жангчи ва фидокор дўст сифатида гавдалантирилган Темур Малик чин миллат қаҳрамони эди. Драмада зиддият ҳосил қилиш учун Яроқбек, Қодоғон нўён каби ватан ичидан чиққан хоин беку навкарлар образи яратилади. Буларнинг ҳар бирида сахнада ҳаракат қилишга ундовчи мақсад бор. Бу ҳаракат – дуч келган тўсиқ ёки томошабинга нотаниш бўлган сабаблар туфайли мавжуд қарама-қаршилиқни енгиб ўтиш учун ҳар икки томоннинг ишончли ва асосли кураши давомида юзага келади.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли “*Мирзо Улуғбек*” трагедиясининг матн поэтикасини тадқиқ этишида архив ҳужжатларининг ўрни” деб номланган. «Мирзо Улуғбек» тарихий трагедияси адабиётимиз ва театр санъатимизнинг гултожидир. Шу пайтгача бундай эпик ва гўзал шеърий шаклда ёзилган драматик асар бошқа яратилмади ҳисоб. Бу бевосита Шайхзода ижодининг энг чўққисига чиққан ва етилган даврига тўғри келди, қолаверса, бу муаллиф катта тажриба билан ишга киришишининг натижаси бўлди. Шайхзода драматургияси ўзбек адабиёти ва театр санъатига сезиларли равишда таъсир ўтказди, у шеърий жиҳатдан пишиқ, кучли психологик, бадиий юксак, тарихий асосларга эга фожиа билан шу пайтгача ўзбек драматурглари эгаллаб турган зинадан бир поғона баландга кўтарилди, десак янглишмаган бўламиз. Тадқиқот иши Шайхзоданинг драматик асарлари илк кўлёзма манбалари асосида ишлангани, ижодкор драматик асарларининг аслиятга мувофиқ матни тиклангани, “Шайхзода, давр ва ижод” – шу уч талаб ўртасидаги зиддият ва унинг ижодга таъсири батафсил таҳлилга тортилгани, Шайхзода ижодий лабораториясининг кўлами, ўзига хос техникаси, таҳрир санъати масалалари қамраб олингани, драматик асарлари матний-қиёсий тадқиқ қилиниб, замонавий илмий концепциялар асосида хулосалар чиқарилгани билан характерлидир. Шайхзода Мирзо Улуғбек тилидан давр сиёсати бошига солган барча азобларни тўкиб-солади, бу ҳасратлар бадиий жиҳатдан гўзал ва теран акс этади: “*Боқ, Феруза, қорачиқларга, Номардликнинг илдизи шунча чуқур, Улар ҳатто ростгўйлардан гумонсирарлар, Ваҳоланки, Шарқу Фарбга кундай аёнки, Умрида ҳеч ёлгон айтган эмас сира Улуғбек*”.²⁸ Шайхзода бадииятида унинг ўз шахсияти ётади. Шу шахсиятдан ўсиб чиққан қаҳрамонлар асарда эркин ва озод ҳаракатланишади, теран фалсафа юритишади. “Шайхзода “Мирзо Улуғбек” трагедиясини мерос қолдирди. Бу асар ҳақида кўп ёзилган, аммо Шайхзода билан драмадаги Мирзо Улуғбек ўртасида мавжуд бўлган муштарақлик ҳали тадқиқ қилинганча йўқ. Менимча, ижодкорнинг оғзига қулф урилган ўша

²⁸ МЗ. – Б. 67.

оғир замонларда Шайхзода ўзининг кўп дардларини, одамларга айтмоқчи бўлган гапларини Улуғбек тилидан айтган бўлиши мумкин”, дея мулоҳазаларини тақдим қилган Озод Шарафиддинов. Мирзо Улуғбек ҳукмдор бўла туриб қалбини ва илмини сақлаб қолган улуғ шахсият соҳибидир. Шунинг учун ҳам Шайхзода уни қаламга олди. Унинг шахси улуғвор бўлиб, унинг ўлими чиндан миллат трагедияси эди.

Тарихимиз улуғ саркардаларга, олиму уламоларга бой. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам драма учун қаҳрамон бўлолмайди. Шахснинг тарих ва миллат тараққиёти ёки инқироздаги таъсирини тўғри англаши, драматик зиддият, кураш ва руҳий оламига таянилган сюжет яратилиши зарур. Асарни ўқиган одамда қаҳрамоннинг буюклиги ҳам, фожиаси ҳам бирдай очилиши лозим. Бунга тарихий шахснинг биографиясини келтириш билангина эришиб бўлмайди, ижодкорда бадиий кўрим ва санъаткорлик бўлиши талаб этилади. Драмада Мирзо Улуғбек илғор фикрлайдиган ва замонавий техник жиҳозларга эга олим, айна вақтда бутун давлатнинг якка ҳукмдори, адолат, тинчлик, маърифат ҳомийси, чин ошиқ, дардчил юрак соҳиби, халқпарвар ва миллатпарвар шахс ҳамда курашлар ичида қолган ота сифатида тасвирланади. Трагедиянинг қўлёзма нусхаларини кўрар эканмиз, негадир драманинг энг гўзал, бадиий теран сатрлари таҳрирга учраганини кўришимиз мумкин. Мирзо Улуғбекнинг Амир Темур арвоҳи билан суҳбатидаги қуйидаги сўзлар ҳам олиб ташланган: “Оталарнинг мусибати шундаки, улар Фарзандларин боридан ҳам яхши деб ўйлар” ва “Мен ўсмирлик чоғларимдан пандинг эсимда, Иккиланмай, сен ҳар кимга йўл-йўриқ бериб, Буюрардинг, жазолардинг ёки силардинг”, мисралари устига ҳам қора чизиқ тортилган, аммо нашрларда сақланиб қолган.²⁹ М3 вариантнинг бир юз эллик бетидан сўнг давоми йўқолган. Бугунги кунда Адабиёт музейида сақланаётган Шайхзода архивида ушбу вариантнинг давоми топилмайди. Қолган нусхаларнинг сўнгида ҳеч қандай ўзгариш учрамайди. Бу асарнинг хотимаси билан боғлиқ муаллиф таҳрирларини ўрганишимизга имкон қолдирмади.

Драмада Улуғбек кўп закий одам, фикри теран, узокни кўра биладиган файласуф, душманларга кек сақламайдиган йирик қаҳрамон, ўзини доим нафрат ва қасос юкидан озод қилишга интиладиган олийжаноб инсон этиб тасвирланади. У куни кеча бошига минг ташвиш солган кўзғолончиларни озод қилар экан, Шайхулисломнинг “булар сизга берган ташвишлар бир умрга унут бўлмас”, деганига қарата шундай олийжаноб фикрларни билдиради: “Йўқ, шайхулислом жаноблари, жазо шарт эмас, Биласизми, бировидан ўч-қасос олиб, Уни хуноб кўрмакликнинг завқидан кўра – Кечиршининг ҳаловати ширин минг карра. Қасоскорлик бўлолмайди шоҳга раҳнамо, Алалхусус, бу элатки алданган, холос”.³⁰ Қамоқхонадаги маҳбусларни озод қилиш саҳнаси Мирзо Улуғбекнинг адолати ва унинг олийжаноб қалбини кўрсатиш мақсад қилиб олинганди.

Пири Зиндоний – асарда ҳал қилувчи образлардан бири. У миллатнинг озодликка ўч ва бўйсунмас қаҳрамон тимсолидир. У ярим асрдан бери авахтада

²⁹ М1. – Б. 221.

³⁰ Ўша манба. – Б. 154.

ётса-да (“Бу ер гўрдан фарқи йўқ”), ўзининг курашчанлик руҳидан воз кечмаган, у сўзига ва амалига содиқ қолишни ҳамма нарсадан устун кўрувчи жўмард қахрамон.

Абдулатиф фожиа давомида ўзгариб, саҳнада отасининг ҳоқимиятига эгалик қилиш истагига бирданига келиб қолмайди, оқпадарлик фожиадан аввал дилга тугилган, ўқувчи уни шундай танийди: “*Қаригандан кейин – ҳа? Бу кимга керак – Қаригандан кейин тожни бошга урайми*”. Бу билан Абдулатифни ўзини оқлайдиган, яъни қаригандан кейин эмас, куч-қуввати борида ҳоқимиятга эга чиқишни истайди. Гарчи Мирзо Улуғбек ўғлини қанчалик яхши кўрмасин, уни қанча кечирмасин, барибир унинг мезонларига ўғлининг қилмишлари тўғри келмайди. Мирзо Улуғбек ўғли Абдулатифга умри якунига етаётганини билдиради: “*Адо бўлар толеъ бизга берган йил сони, Ҳа, азизим, менинг умрим кузи бошланди...*” Аммо ўғилнинг шу “куз”нинг ўтишини ҳам кутиш нияти йўқ. У тезроқ мақсадига етиш истагида халқнинг катта қисми диндорларнинг таъсири бўлгани учун, уларни кўзғатиш орқали ота тахтига эга чикмоқчи бўлади. Драматург унинг ўз оқловлари борлигини кўрсатади, нега бундан фойдаланмаслиги керак, эртага ахир унинг укалари ҳам бош кўтариб қолиши мумкин-ку! Лекин Абдулатифнинг шоҳлик ва бойлик, ва у келтирадиган хузур-ҳаловат, чексиз ҳукмронлик туйғусини туйиш қанчалик кўзини қамаштирмасин, барибир у фарзанд, ичида отасига бўлган турли ўйлар, қилаётгани ишига бераётган ички сўроқлари ҳам бор: “Нега, нега юрагимни қоплар изтироб, Уни кўрсам, ё эшитсам, ёки ўйласам? Ахир у-ку, бу бевафо диёрда эмас, Мағрибдан то Хонбаликқа, Румдан Ҳиндгача, Мисрдан то Табризгача энг муҳтарам зот. Аммо мен-чи, унга хусумати бор, Кўролмаيمان, кўролмаيمان уни, вассалом. Ўғилнинг ўз отасига осий бўлиши, Уҳ... Бу ёмон бир бир жиноят, даҳшатли гуноҳ, Аммо нетай?! Гўё унинг ҳар тирик куни, мени бир йил қаритади, гўрга элтади”. Бу кучли сатрлар Шекспирнинг “Гамлет”, “Қирол Лир” каби ўлмас асарларнинг оҳангларини, улардаги ички кураш монологларини эслатади. Ички конфликтнинг устунлиги гўзал поэтик теранлик билан бўй кўрсатишига имкон беради. Уни худди тақдир шу қилмишга бошлаб бораётгандай, осийликка ундаётгандай, у ичидаги бу кучли истакни шарҳлай олмай қийналади.

ХУЛОСА

1. Шайхзода кўлөзмаларини матншуносликнинг бугунги ютуқларидан келиб чиққан ҳолда таҳлилга тортиш ва ўрганиш Шайхзода ижодининг янги қирраларини очишда, хусусан, шоир методи, услуби, ижод жараёнидаги шу пайтгача мавҳум бўлган матн таҳрири, ғоявий ёндашуви, ўзига қўйган ижодий талаблари, адабий нуқсонлари, сўз билан ишлаш техникаси (тезкорлиги, талабчанлиги ва ўзидан қониқмаслиги) ва замон таъсирида ўзгартиришга мажбур бўлган матнлари ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишда муҳим аҳамият касб этади. Бу матний ўзгаришлар Шайхзоданинг шеърляти, драматургияси, илмий

ишлари, публицистикасига ҳам бирдек тааллуқли эканини ҳисобга олсак, мазкур тадқиқот шайхзодашуносликда янги қадам бўлиб хизмат қилиши мумкин.

2. Шайхзода ижоди серқирра, ранг-баранг ва бунинг устига турли тилларда ёзилгани билан уни таҳлил қилувчи матншунослар олдига қўлёзмаларни мазкур жиҳатлар асосида турлича тасниф қилиш масаласини қўяди. Бунда Шайхзода асарларининг жанр ва тил нуқтаи назаридан таснифлаш муҳим ўрин тутади. Шунинг учун Шайхзода ижодини яқдил ўрганиш учун унинг асарларини назм, драматургия, илмий тадқиқот ишлари ва публицистика каби гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

3. Шайхзода ижодини ўрганишда нафақат ўзбек, балки озарбайжонлик олимлар ва ижодкорларнинг қарашларини ҳисобга олиш шоир ижодига бизга маълум бўлмаган болалик йиллари ва ундан кейинги даврда ўз туғилган юрти билан олиб борган ижодий, илмий, ижтимоий ҳамкорликлари ҳақида хулоса чиқариш, унинг ижоди ва фаолияти ҳақида озар қардошларимизнинг қанчалик хулоса ва таҳлилга эга эканини англашимиз, шайхзодашуносликда янги босқичга чиқишимиз учун имкон яратади.

4. Шайхзоданинг Тошкентга келиши ва бу ернинг адабий об-ҳавосига мослашишида мумтоз адабиётимиз, хусусан, Навоий ижоди билан яхши танишлиги катта ўрин тутади. Унинг қўлёзмалари орасида навоийшуносликка оид манбалар катта қисмни ташкил қилади. Ушбу манбаларни ўрганиш умрининг энг муҳим пайтларини Навоий ижодини ўрганишга сарфлаган Шайхзоданинг шу пайтгача маълум бўлмаган ва бугунги адабиётшунослик, хусусан, навоийшуносликка оид тадқиқотларни бойитишда катта манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

5. Мақсуд Шайхзода асарларининг гултожи, шубҳасиз, унинг драмаларидир. Чунки у драматик асарларида, тарихий қаҳрамонлар тилидан замон ва давр талабларининг босимидан чўчиб айта олмаётган ўзининг дардларини – гапларни тарихий қаҳрамонлар номидан айта олди. Энг керакли ва зарур паллада Ватан ва миллат шаънини улуғлай олди, уларнинг қаҳрамонларини халққа танитди. “Жалолиддин Мангуберди” драмаси нисбатан кам ўрганилган. Чунки бу асар тақдири жуда мураккаб кечди. Асар саҳнага қўйилиб улгурмасидан мустабид тузум қонунлари ва қарашлари ўзгарди, миллатларнинг ўз театр саҳналарида тарихини ўрганишига, ўзлигини танишига тўсиқ қўйилди, айниқса, ҳукмдорлар ҳақида битилган асарлар қаттиқ қораланди. Тарих, давр, сиёсат ва бугунги кун талаблари ҳар қандай совет даврида чоп этилган асарларнинг қўлёзмаларини ўрганишда шоир ва замон ўртасидаги муносабатлар билан ҳисоблашган ҳолда матний таҳлилга тортишни талаб этади.

6. Илк ўзбек драмалари ва уларнинг тадрижий ривожига назар ташлашнинг ўзи бизга тарих ва даврнинг ўзига хос бир зиддиятли манзарасини кўрсатиб беради. Шайхзода драматургияси ўзбек адабиёти ва театр санъатига сезиларли равишда таъсир ўтказди, у шеърый жиҳатдан пишиқ, бадий жиҳатдан юксак, кучли психологик ва тарихий асосларга эга тарихий драмалари билан шу пайтгача ўзбек драматурглари эгаллаб турган зинапоядан бир поғона юқорига кўтарилди. Бу драмаларни жаҳон драматурглари ижоди билан солиштириб хронологик

аспектда ўрганиш ҳамда улардаги муштарак ва айри жиҳатларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Драма назариясининг концепцияси ва илмий категорияларини ўрганиш бугунги кун адабиётшунослиги учун муҳимдир. Мақсуд Шайхзоданинг “Жалолодин Мангуберди”, “Мирзо Улуғбек” каби шоҳ асарларини таҳлил қиларканмиз, драма доим давр маҳсули бўлганини, уни ўрганиш даврни ўрганиш эканини англаймиз.

7. Бугунги кун замонавий театрлар ва бошқа телестудиялар Шайхзоданинг тарихий драмаларига қай ўзгартиришлар билан мурожаат қилаётгани, нималарни ўзгартираётгани, нималарни қўшаётгани билан қизиқиб илмий ишимизни тадқиқ қилиш давомида юртимиздаги театрларимизнинг фаолияти ҳамда Шайхзода ижодига муносабатини ҳам чуқур таҳлил қилдик ва охириги йилларда саҳналаштирилган “Мирзо Улуғбек” трагедиясининг замонавий вариантларини ҳам таҳлил марказига тортдик. Бундан ташқари бугунги кунда театрларимизнинг репертуарларига назар ташланиб, “Мирзо Улуғбек” трагедиясининг қай тахрирлар остида саҳнага олиб чиқиляётгани, қандай тахрирлар амалга оширилгани, асарга нималар қўшилганини таҳлилий-танқидий ўрганишга ҳаракат қилинди.

8. “Мирзо Улуғбек” фожиаси – Шайхзода фожиасидир. Драматик асарда шоҳ ва олим – Мирзо Улуғбек ва Шайхзода руҳияти ўзаро кураш ҳолатида кечади. Баъзи ўринларда Мирзо Улуғбек ўз шоҳлигини унутади, унда ожизлик, иккиланиш, норозилик ортиб кетади, баъзида эса тарихий ҳақиқатни бузади, аммо бадий образни бойитади. У дўст ва яқинларидан кўп жабр кўрган Шайхзодага айланади. Мирзо Улуғбек образида Шайхзоданинг кўрган-кечирган ва оммага ҳеч қачон ошкор этмаган ҳаёти, бу дунёга келиб топган азоблари акс этганки, бу асарнинг бадий образларини тўлиқ англаш, таҳлил қилиш учун, аввало, Шайхзоданинг биографиясидан яхшигина хабардор бўлиш талаб этилади.

9. Шайхзода кўлёмалари матншуносликнинг назарий асоси бўлган матн тарихига доир қарашлар генезиси ва тенденцияларини аниқлаш орқали уни Шарқ адабиётининг улуғ анъаналари давомчиси сифатида кўриш ва шу билан бирга жаҳон адабиёти билимдони ўлароқ ўзбек шеърятини янгилашга қўшган ҳиссасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03 / 30.12.2019.Phil.19.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ
АЛИШЕРА НАВОИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ**

Жовлиев Жавлонбек Артикович

**СРАВНИТЕЛЬНО-ТЕКСТОВОЕ ИЗУЧЕНИЕ РУКОПИСЕЙ
ПРОИЗВЕДЕНИЙ МАКСУДА ШЕЙХЗАДЕ**

10.00.10 – Текстология и литературное источниковедение

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Fil2020 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (<http://www.tsuull.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Каримов Наим Фотиҳович филология фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	Шодмонов Нафас Номозович филология фанлари доктори, профессор Қобилова Зебо Бакировна филология фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети


Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «5» 11 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (<http://www.tsuull.uz>).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 22 рақамли билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; (<http://www.tsuull.uz>).

Диссертация автореферати 2022 йил «22» 10 да тарқатилди.
(2022 йил 22.10 даги 1 рақамли реестр баённомаси).


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол. ф. д., профессор


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол. ф. д., доцент


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси
филол. ф. д., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Литературные источники, хранящиеся в мировых рукописных фондах, отсортированные испытанием веков, содержащие множество тайн, представляют собой огромное духовное сокровище, созданное человечеством. Проводится много научных исследований по их изучению, чтобы донести до современного поколения самые ценные места в источниках. В результате каждый народ пользуется своим языком, богатой культурой, литературой, искусством и уникальными традициями, сформировавшимися веками. Сегодня изучение творческой лаборатории писателя, текстологическое исследование рукописей, ознакомление с искусством редактирования, приобретают всё большее значение в методах исследования специалистов и сравнительно-текстовом исследовании рукописей.

В мировой текстологии осуществлены определённые работы в изучении проблем истории и редактирования литературного наследия писателей, служении собранного в них нашего духовного наследия для развития мировоззрения и литературно-эстетического мышления молодого поколения. С древних времён, народы Востока своими неповторимыми произведениями вносили свой вклад в великую сокровищницу мировой культуры. Возникла необходимость постоянного продолжения и развития научных исследований по изучению авторских рукописей на основе современных достижений текстологии.

В Узбекистане текстология и литературное источниковедение являются областью, имеющую свою историю и достигнувшая многих успехов. «Мы должны уделять особое внимание внедрению в сознание молодёжи бесценного наследия наших великих учёных и писателей, наших почитаемых святых, мужества наших

н
е
п
о
б
е
д
и
м
ы
х

п

о Эта диссертация в определённой степени служит для осуществления задач указанных в УП-4797 Президента Республики Узбекистан от 13 мая 2016 года «О воздании Ташкентского государственного университета узбекского языка и

о

В ³¹ Послание Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева Олий Мажлису от 28 декабря 2018 г. «Интенсивность нашего пути развития возрастет» // Народное обращение, 29 декабря 2018 г.

д

ц

е

в

литературы имени Алишера Навои», УП-5850 от 21 октября 2019 года « О мерах по коренному повышению престижа и положения узбекского языка как государственного языка», Постановление от 24 мая 2017 года № ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы сохранения, исследования и популяризации древних письменных источников» от 13 сентября , 2017 № ПП-3271 «Система издания и распространения книжной продукции по программе комплексных мероприятий по развитию и популяризации книжного чтения и культуры чтения», ПЗ-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научных исследований», и других нормативно-правовых документов, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и техники республики. Исследование проводилась в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики «Социально-правовое, экономическое, культурно-духовно-образовательное развитие информационного общества и демократического государства, инновационной экономики».

Уровень изученности проблемы. По сей день в узбекской текстологии созданы значительные труды. В частности, доказательством этому служат исследования ряда таких учёных, как С. Мирзаев, С. Муталибов, С. Далимов, Р. Маджиди, П. Шамсиев, О. Шарафиддинов, И. Султанов, Э. Рустамов, А. Каюмов, Х. Сулейман, Г. Каримов, М. Хакимов, Г. Каримов, К. Махмудов Б. Тухлиев, В. Рахманов, К. Садиков, Ш. Сиражиддинов, Н. Джаббаров, Б. Каримов, Э. Фазилов, К. Пардаев, Д. Юсупова, А.Джурабаев, Н. Джумаходжа, А. Эркинов, Н. Шадманов, Р. Захидов, Дж.Джураев³². Одной из безотлагательных задач является

